

## ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ОНГ КОМПОНЕНТЛАРИДА ЧУҚУР ЎРИН ЭГАЛЛАГАН, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИ (ОНА АЛЛАСИ ҚЎШИҒИ МИСОЛИДА)

Сейтмуратов Нурланбек Аманбай ули

Қорақалпоқ давлат университети

«Ижтимоий фанлар» кафедраси

стажёр-оқитивчиси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қорақалпоқ халқининг диний-миллий онг стереотипларининг замонавий фольклор ва расм-русумлар, миллий тарбиявий дастурларида катта ўрин эгаллаган азалий қадриятлари бўлмиш она алласи ва бешик маросимларига оид фикрлар тақдим этилган

**Калит сўзлар:** фольклор, қадрият, расм-русумлар, удумлар, оила, жамият, фарзанд, бешик, маросим, анъана.

Ҳар бир халқнинг, миллатнинг биринчи белгиси унинг урф-одат, анъанана ва қадриятлари эканлигини биламиз. Шу боис ҳам инсоният яшайдиган жойда маълум қадриятлар тизими шаклланади. Қадриятлар инсонни жамият, тарих, ва келажак билан боғлайди, шу билан бирга шаклланган қатор урф-одатлар ўша халқнинг фалсафасини, яъни унинг дунёқарашини кўрсатади, уни янги ўзгаришлар сари олға ривожлантиради. Шу боис қадриятларнинг аксиологик моҳиятидан келиб чиқиб, уларни кўз қорачиғимиздек асраб, кейинги авлодга етказиш асосий вазифамиз бўлиб ҳисобланади.

Жамиятнинг ривожланиш жараёнида халқнинг кўп асрлик бойлиги бўлган урф-одатлар, диний, илмий дунёқарашлар асосида шаклланиб, тарбиянинг қудратли қуролига айланади. Халқнинг диний-миллий тарбиявий дастурлари қадимдан инсонларнинг онгига, турмуш тарзига ва хулқ-атворида кучли таъсир қилиб, диний, миллий онг хусусиятларини трансформацияга учрашида катта ўрин эгаллайди.

Масалан, барча диний таълимотларда фарзанднинг дуёга келиши билан боғлиқ турли қарашлар мавжуд. Масалан Ислом динида инсон дунёга келганда, уни Аллоҳ Таоло ўз насибаси билан яратиши ва қандайдир илоҳий куч мавжудлиги ва инсон унинг олдида ожизлиги, инсоннинг икки эғнида

икки фаришта бўлиб, биринчиси яхшилигингни, иккинчиси ёмон жиҳатларингни ёзиб ўтиришини ва шу каби ишонч, ва амаллар авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлиги маълум. Ҳақиқатан ҳам инсон учун ишончнинг зарурлиги илмда ҳам, динда ҳам маъқулланади. Ишонч инсонга катта куч-қувват, маънавий руҳ бағишлаб келажакка кенг йўл очади. Шу боис ҳам инсоният тарихида кўплаб маънавий ва моддий тушунча ва жараёнлар ҳаётий турмушдан маълум вақт ичида йўқолиб кетган бўлса ҳам, лекин ахлоқий қадрият таркибидаги ишонч тушунчаси инсоннинг зарурий моҳиятига айланиб қолган. Донишманд боболаримиз билан ақлли момоларимиз ўз умрилари давомида кўрган кечирганларини фарзандларининг, авлодларининг қалбига сингдиришга, халқнинг урф-одатларини эъзозлаб, ватан, олам, оила, жамият олдида содиқ ва фидойи бўлишга ўргатганлар. Диний ва миллий қарашлар, жумладан, катталарга ҳурматда бўлиш, қариялардан оқ фотиҳа олиш каби ҳурмат-иззат, бирдамлик, олижаноб фазилатларни пайдо қилиб уларнинг онгига сигдирганлар.

«Ўтмишда халқимизнинг маиший турмуши ва ижтимоий ҳаёти жуда кенг тарқалган оғзаки ижод жанри - халқ қўшиқларида ҳаяжонли ва жўшқин тасвирланган. Уларда инсоннинг юксак туйғулари, пок севги, садоқатлилик, дўстлик каби фазилатлари билан бирга оғир ижтимоий аҳволи, жабр-зулумлар, бевафолик, тушқунлик, алам-ситамлари қайғули равишда куйланади» [5.197-198].

Ана шундай қадимий расм-русумлардан бири она алласи билан боғлиқ бўлган, қорақалпоқ халқининг фольклор анъаналарида мустаҳкам ўрин эгаллаган болани бешикка бойлаш ёки бешик куйи ҳақидаги маросим фольклоридир. Этнограф И.Жабборовнинг фикрига кўра: «Оилавий-маиший маросим фольклори этнографик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бунга кирадиган маросимлар вазифаси ва мазмуни бўйича бир неча хилга бўлинади: ... б) болаларнинг бешикдаги даври билан боғлиқ – бешикка солиш, чилла қочириш каби удумлар фольклори» [4.199]. Бешик куйлари ёки она алласининг бола тарбиясида жуда теран аҳамияти борлиги ҳақида Марказий Осиёнинг машҳур олими Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида болани туғилганидан бошлаб ўз оёғида юриб кетгунга қадар қилинадиган ишлари, унинг фойдаси ҳақида шундай дейди: «Гўдакнинг тилагини қаноатлантириш ва ривожлантириш учун унга икки нарсани қўллаш керак. Биринчидан: болани оҳиста тебратиш. Иккинчидан: ухлатиш учун анъанага айланиб кетган мусиқий оҳанг билан алла айтиш. Шу иккаласини қабул қилиш миқдорига қараб гўдакнинг жисми ва жисмоний тарбияси ҳам руҳи мусиқага бўлган қобилятини пайдо қилади» [2.82].

Демак, бу иқтибос орқали, биз бешик куйлари узок тарихий негизга эга эканлигига гувоҳ бўламиз. Масалан: Вашингтон Ирвингнинг «Жизнь Мухаммеда» ёки машҳур шоир И.Юсуповнинг қорақалпоқ тилига таржима қилинган «Мухаммад пайғамбарнинг ҳаёти» номли китобида куйидаги фикрлар билдирилган. Мухаммад дунёга келгандан кейин чақалоқнинг тоғаси Абдул Муталлиб етти кун давомида Курраи заминнинг уруф бошлиқларини чақиртириб тўй бериб, бутун элимизнинг келажақдаги машҳур инсони туғилди деб уларга таништиради ва чақалоққа ният қилиб Мухаммад деб исм қўяди. Ёки китобнинг яна бир саҳифасида чақалоқни эмизган онаси Халима бу гўдақдаги ўзи ҳос бўлган кароматлари тўғрисида айтиб ўтган [3.13-14]. Бу сўзлар бешик куйи ёки алла бўлиши мумкин. Халима сезган каромат нима бўлиши мумкин. Она қудрати, Оналар-ҳаёт манбаи каби сўзларни эшитганда ҳар бир инсоннинг қулоғига ёқимли тарона келаётгандай туюлади. Оналарга бағишланган мақоллар ва турли ривоятлар ҳам халқимиз қалбидан чуқур ўрин эгаллайди. Шунинг учун «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада» деб халқимиз бекор айтишмаган. Чунки оналар ўз фарзандлари ҳаёти ва мамоти билан яшайдилар. Шу боис оналар ҳақида қанча яхши гаплар айтсак ҳам, қанча яхши фикрлар ўйласанг ҳам кўплик қилмайди. Ҳар бир она ўз фарзандини вояга етказиб камолга келгунча қанча қийинчиликларни бошидан кечиради, тун уйкусини тўрт бўлиб ўзининг ички туйғуларидан чиққан қўшиғини боласига бағишлайди. Она алласида олам зиёси, борлиқ ҳаёти, кишилиқ меҳри қалқиб туради. Она алласи орқали ўз зурриётига бўлган меҳрини, эзгу-мақсадларини, орзу-умидларини жойлайди. Дарвоқе, чақалоқни бешикка ётқизиб, ухлатиш учун айтиладиган куйлар алла ёки бешик куйи деб аталади. Бешик куйлари халққа манзур бўлган куй оҳангида айтиладиган қалб қўрини жо айлаган, махсус ижронини талаб этмайдиган, абадият қўшиғидир.

Она алласи билан ўз фарзандига ақлли бўлиш, тартибли, шерюрак, Ватанга содиқ, камоли бепоён бўлишини уқтиради. Қорақалпоқ элимизда бешик аллаларининг ўғил ва қиз болаларга алоҳида айтиладиган куйлари бордир.

Масалан:

Айналайин аппағым,

Қозы жунли қалпағым,

Қозым мениң гул болғай,

Жийнағаным той болғай,

Тойым-тойға уласқай,

Дәўлет келип орнасқай [4.259-260],

деб, адабиётнинг ҳозирги бадий усуллари билан «қулуним», «қўзим», «қалпоғим» каби сўзлар билан ўғил болага тавсиф бериладиган бўлса,

Айнанайын аппағым,  
Гул ишинде жапырағым,  
Қызым мениң гул болғай,  
Жийнағаным той болғай,  
Сут устинде қаймағым,  
Аш болғанда азығым,  
Шөллегенде суўсыным [4.259-260],

Дея, «оппоғим», «япроғим», «гулим», «қаймоғим», «сувсиним» ва шу каби образли бадий усуллар билан қиз боланинг келажагини кўз олдимишга тасвирлаб берадилар. Бешик куйининг ҳар бир қаторининг бошида ё охирида ёки икки қатордан сўнг «ҳэйийў», «ҳайя» сўзлари қўлланилади. Бу ҳаяжонли сўзлар орқали бола тинч ва осуда ором олади, қўшиқ оҳанглари билан бола тез уйқуга кетади. Бу симбиозда она меҳри ва ҳаяжонли нозик туйғулар барқ уради. Алла қўшиқларида онанинг тилаги, мурожаати, бахтли турмуши «ўғил боланинг» уй-жойли, қиз боланинг эса гўзал, чиройли, ўз тенгига, севгани билан бахтли бўлиши ният қилинади:

Қарағым мениң жасында,  
Мақпал тақия басында,  
Әшекөйли ақ отаў,  
Ағасының қасында,  
Қизима келген қырқ киси,  
Қырқ кисининң ишинен  
Айттырып алар бир киси,  
Сулыў уйдиң суйеўи,  
Сулыў жигит куйеўи [1. 6-7],

деб, ўзининг юрагидан чикқан меҳр туйғусини алла орқали билдиради.

Бешик куйларида бутун дунё, инсоният келажаги, ҳаёти, ажойиб ва гўзал табиат кўриниши, еримизнинг географик пейзажи тасвирланишида ҳам теран фалсафий маъно бор. Қадимий анъаналаримиздан маълумки, чақалоқ туғилгандан кейин уй эгаси боласини бешикка ётқизиш маросимини ўтказди. Бу тадбирда яқин қариндошлар, кўни-қўшнилар мезбон уйида меҳмон бўладилар. Болани бешикка ётқизишдан аввал оиланинг энг мартабали ва эпчил ёши катта момоси гўдакни тузли сувда чўмилтиради. Оппоқ йўргакларга ўраб, бешикка боғлайди. Бу маросим чилла деб аталади ва қирқ кунгача давом этади. И.Жабборов таъкидлаганидек: «... бола

туғилиши билан унга кўйлак кийгизиш одатига биноан юмшоқ матодан кипта, кўйлакча, куртача тайёрланган. Бундай кўйлакни етти уйдан тўпланган матодан тикиб боланинг чилласи чиққунча кийгизиш шарт бўлган. Шунинг учун унга чилла кўйлак деб ном берилган. Болага кўз тегмасин, мард бўлсин деган ирим билан кўйлакни итга ёки қайроқтошга суркаганлар (ит кўйлак, қайроқ кўйлак шундан келиб чиққан)» [5.97].

Барча удумлардан кўзланган мақсад: бола танасининг тўғри ривожланишига асос солса, иккинчидан рухий жиҳатдан ривожланишига катта таъсир қилишдан иорат бўлган. Бизнинг ҳозирги кунда кўлланиладиган «тузинг йўқ» деган сўзнинг маъноси ҳам шундан қолган бўлса керак. Болани бешикка ётқизишдан олдин ташкилий ишлар олиб борилади. Жумладан, бешик ичидаги ёстиқ остига пиёз, қалампир, пичоқ қўядилар. Душманингга пиёздай, қалампирдек аччиқ бўлсин, пичоқдек ўткир бўлсин дейишса, оёк томонига ойна қўйиб, ойнадек ҳаёти ёрқин бўлсин, юзи очиқ ойнадек гўзал бўлсин, қайра тош қўйиб боши тошдан бўлсин, нон бошида турсин, нондек азиз бўлсин, кўзи ўткир бўлсин, душмандан йироқ бўлсин, олтин бешикка кирсин деб қўшиқ айтадилар.

Маросимчилар хонадон эгасидан етти хил буюм ва турли кийимлар оладилар. Шулардан учтаси ёқали кийим, қолганлари эса кўрпа, кўрпача ва шу уйга тегишли бўлган бошқа буюмлардир. Етти хил буюмни бешикда ётган боланинг устига ёпадилар ва бешикка отнинг жўясини боғлайдилар. Бундан мақсад: Юздан югурак, мингдан тулпор бўлсин деб ният қилишган. Шундан сўнг «Qumsotaman», энаси аравамни ҳайдайман, оласанми?, деб бешикнинг устига миниб чопадиган бўлган ва: Қани одамлар, мард бўлсангиз, Болани сотиб олинглар — деб қўшиқ айтишган:

Қум сатаман, ким алады,  
Қандай сарпай жабады,  
Кеўлимди қандай табады,  
Ямаса уятқа қалады.  
Ёки бошқа варианты:  
Ер болсанлар адамлар,  
Баланы сатып алыңлар,  
Шамаларың келмесе,  
Жолларыңнан қалмаңлар [1. 6-7],

деган сўзлар билан халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида, баъзи ҳолларда сўзлар мусиқанинг қофиясига, бадий хусусиятига мос келмасада, лекин умумий кайфиятда, ўйин-завқ учун айтилган. Туғилган боланинг ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари, тахминан 7-8 киши болани бешикка

бойлаган момодан уни сотиб оладилар. Сўнгра момо она боланинг устидаги кийим-кечакларини уй эгасига қайтариб бериб, болани бешикда қолдириб ва уни келажакда халқига содиқ, муносиб фарзанд бўлсин дея тилаклар билдиришган:

Жорытқанда жолың болсын,  
Қыдыр ата жолдасың болсы  
Қырық шилтерлер жылаўыңда болсын,  
От, жала, суў бәлесинен сақласын, кудайым [1. 6-7],  
деб, оқ фотиҳа бериб яқунланган.

Бу Қорақалпоқ халқининг азалий даврлардан миллий онг компонентларида чуқур ўрин эгаллаган, урф-одат, анъана ва қадриятлари билан боғлиқ удумлари бўлиб, ислом динида деярли учрамайди, бу расм-русумлар элимизнинг ислом динидан аввалги топинишларининг кўриниши бўлиб, ҳозирги кунда миллий ва диний анъаналарнинг трансформациясидан далолат беради. Демак, қорақалпоқ фольклорининг бешик куйлари, она алласи тарихи ислом дини кириб келишидан анча илгари мавжуд бўлганлигини инобатга олиш мумкин.

Миллий фольклор ва этнографик тадқиқотлар, романлар, шеър ва кўшиқлар захирасида она ва бола мавзуси, тадқиқотлари ҳозирги кунга қадар долзарб ҳисобланади. Миллий онг структурасида мустахам стереотиплар сифатида ҳам анъанавий, ҳам замонавий тус олаётган она алласи энг яхши маънавий ва ижтимоий тарбия воситасидир. Машҳур ёзувчи, шоирларнинг оналар ҳақида ёзишдан мақсади она образини яратиш бўлса, унинг «дунёда умр бўйи қарздор бир одам бўлса, у ҳам бўлса оналардир» деган пурмаъно сўзларини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. «Барча замонларда ҳар бир жамиятнинг бош омили дунёдаги энг олий мавжудот бўлмиш инсон ҳисобланган. Инсон моҳияти жамият моҳияти билан боғлиқ шахс камолининг асосий манбаи жамиятда, у фаолият кўрсатаётган ижтимоий муносабатлар тизимидадир» [5.228].

Зеро шундай экан, адабий, бадиий асарлар, халқ оғзаки ижоди, дostonлардаги ижтимоий муносабатларнинг олий ўзаги оила ва фарзандлар тарбияси ҳақидаги фикрларнинг мазмун ва моҳиятини авлодларга сингдириш долзарб масалалар қаторидан ўрин эгаллаган. Чунки уларнинг негизида халқ, миллат, элат фарзандларининг дунёқарашининг кенг, одоб-икромли, гўзал, билимли қилишга оид чуқур фалсафий фикрлар эгаллагани эътиборга лойиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)**

- 1.Қазақбаев С. Қарақалпақ салт- дастур жирлари. Нөкис « Қарақалпақстан» баспасы. 2012- ж.
- 2.Мақсетов.Қ Тажимуратов А. Қарақалпақ фольклоры. Нөкис « Қарақалпақстан» баспасы. 1979- ж.
- 3.Ирвинг И. Мухаммед пайғамбардың өмири. Өзбекшеден аўдарғаны И.Юсупов Нөкис: «Қарақалпақстан» баспасы. 1992-ж.
4. Қарақалпақ фольклоры.Том5. Нөкис:«Қарақалпақстан» баспасы.1980-ж.
5. Исо Жабборов. Ўзбеклар. Тошкент, «Шарқ», 2008.